

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019. Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МУРАТХОДЖАЕВА ЛОБАРХОН ЭЛДОР ҚИЗИ**

**БОКСЧИ-СПОРТЧИЛАРИИ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИГА  
ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ-БИОЛОГИК ДАСТУР ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати муидарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Муратходжаева Лобархон Элдор қизи**

Боксчи-спортчиларни тайёргарлик жараёнига табақалаштирилган  
тиббий-биологик дастур ишлаб чиқиш..... 3

**Муратходжаева Лобархон Элдор қизи**

Разработка медико-биологических программ для дифференцированного  
подхода к подготовке спортсменов-боксёров ..... 25

**Muratkhodjayeva Lobarkhon Eldor qizi**

Development of medical and biological programs for a differentiated  
approach to training athletes-boxers..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МУРАТХОДЖАЕВА ЛОБАРҲОН ЭЛДОР ҚИЗИ**

**БОКСЧИ-СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИГА**  
**ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ-БИОЛОГИК ДАСТУР ИШЛАБ**  
**ЧИҚИШ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҲИИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**



**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар махкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида PhD.10/30.12.2019.tib.69.01 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.medsport.uz](http://www.medsport.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Садиков Абдушукур Абдужамилевич</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Камилова Роза Толаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Юлдашева Гулчехра Рустамовна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Ётақчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд Давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенга­шнинг 2020 йил «18» ноябрь куни соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кучаси 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (7 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кучаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail.: [ta2005@mail.ru](mailto:ta2005@mail.ru)

Диссертация автореферати 20 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(20 \_\_\_\_\_ йил « 7 » \_\_\_\_\_ даги 3 рақамли реестр баённомаси).



**Т.А.Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Н.С.Ибрагимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**А.А.Хаджиметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаол ва изчил ўзгаришлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида спорт захираларини тайёрлашни кенг қўламда модернизация қилиш, уларини тиббий-биологик қувватлаш тизимини яратиш долзарб муаммо эканлигини кўрсатади. Спортда юқори натижаларига эришиш ва уни сақлаб қолиш учун инсоннинг жисмоний сифатларига, функционал тизимларига мақсадли таъсир кўрсата оладиган самарали профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги асосий вазифа «Халқаро спорт майдонларида ўзбек спортининг ракобатбардошлигини ошириш учун юқори малакали спортчиларни ва спорт захираларни тайёрлашни такомиллаштириш»дан иборат. Спортчиларни физиологик, биокимёвий, психологик компонентларини ўзаро муносабатини ҳисобга олмаган ҳолда тўлиқсиз ўтказилган илмий тадқиқотлар, ҳозирги кунда спортнинг умумий назариясини чуқур ривожлантиришга, спорт билан шуғулланувчиларининг физиологик ҳолатини баҳолашдаги тиббий-биологик тадқиқотларни кенг ва мақсадли олиб бориш заруриятини тўғдиради.

Спортнинг барча турлари бўйича махсус тайёргарлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Бу, айниқса, жанг санъати ва хусусан, бокс учун тўғри келади. Самарали ракобатчилик фаолияти кўпинча, жисмоний сифатларни ривожлантириш даражаси билан таъминланади, бу еса ўз навбатида юқори даражадаги техник ва тактик тайёргарликни шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>. Бокс назарияси, тезлик, чидамлик, куч тезлиги қобилиятларини, махсус тайёргарликлар таркибий қисмларини ўрганиш бўйича кўплаб мустақил изланишлар мавжуд. Бундан ташқари, боксчиларнинг спорт ва техник маҳоратига мутахассислар томонидан ҳар доим кўп факторли, энг қийин ҳодиса сифатида қаралган. Мослашишни баҳолаш учун биокимёвий усулларни қўллаш муҳим рол ўйнайди, шу ҳолатдагина улардан фойдаланиш машғулот жараёнини тўғри ва спортчиларни тиббий-биологик қувватлашни таъминлаш учун асос бўлади. Клиник-лаборатор текширувлар тамойили ва ҳажми жиҳатидан ўқув-машғулот жараёнлари мақсад ва вазифаларига мос келиши керак. Ўқув-машғулотларининг максимал ингенсивлигини баҳолаш учун клиник-лаборатор назоратининг адекват ва информатив усулларидан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш бўйича 2017-2021-йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан

<sup>1</sup> Павлов, С.Е. Функциональный контроль в современном спорте и спортивной медицине / С.Е. Павлов, Т.Н. Павлова // Олимпийский бюллетень № 13 - М.: Соинпроект, 2012. - С. 265-271.

такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади, 2017 йил 9-мартдаги ПҚ 2821-сон «Токиода (Япония) 2020 йилда Ўзбекистон спортчиларини XXXII-ёзги Олимпия ва XVI-Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Боксдаги мураккаб усуллар комплекс назорати тўлиқ ишлаб чиқилган педагогик назорат ҳисобланади. Психологик ва тиббий-биологик кувватлашнинг хусусиятлари ушбу спорт турида тўлиқ ўрганилмаган. Мавжуд адабиётларда спортчи-боксчилар учун мураккаб назоратнинг барча усулларидан тўлиқ фойдаланган асарлар етарли эмас. Клиник-лаборатор текширувлари мазмуни ва ҳажми жиҳатидан ўқув жараёнининг максимал шароитларда ўқув машғулот юктамаларининг максимал интенсивлигини аниқлаш учун клиник-лаборатор назоратининг адекват ва инфорацион усуллари ишлаб чиқилиши зарур. Ўқув-машғулот юктамаларига мослаштириш баҳолашда спортчи организмнинг генетик хусусиятларини ҳисобга олинади.

Тадқиқот сифатининг юқорилиги клиник-лаборатор назоратининг самарадорлиги ҳисобланади. Юқори даражали спортда клиник-лаборатор текширувларини ўтказиш сифат стандартининг асосий коидалари қўлланилиши мақсадга мувофиқ<sup>2</sup>.

Кўп тадқиқотчилар тана саломатлик ҳолатининг умумий характеристикаси деб функционал ҳолатни, тана адаптив имкониятларини ҳисоблайдилар, экологик омиллар билан ўзаро алоқада бўлган вақтда эса функциялар ва тузилмалардаги ўзгаришларни баҳолайдилар (Акименко В.И., 2011; Квашук П.В., 2003; Солопов И.Н., 2003). Инсон танасининг функционал ҳолатини аниқлаш учун чекланган миқдордаги асосий тана тизимлари - кардиореспиратор, марказий асаб ва нейрогуморал тизимлари тартибга солиш ҳолатини кузатиш етарлидир. Ушбу тизимлар тананинг деярли барча қисмлари ва қуйи тизимларини камраб олади, уларнинг параметрлари гомеостаз кўрсаткичларини, регуляция даражаси нисбатини, механизмлар таранглигини, мослашиш жараёнининг функционал захиралари кўрсаткичларини акс эттиради. Ташқи ва ички омиллар организмга таъсир этганда юзага келадиган турли функционал ҳолатлар

<sup>2</sup> Lombardi, G. Stability of haematological parameters and its relevance on the athlete's biological passport model / G. Lombardi, P. Lanteri, A. Colombini, G. Lippi, G. Banfi // Sports Med. - 2011. - № 41(12). - P. 1033-1042.

(психоземоцион стресс, оғрик, жисмоний фаоллик, гормонал ўзгаришлар ва бошқалар) танани умумий регуляциясини ва адаптив имкониятларини ўзгаришига олиб келади. Спортчиларни тиббий назорат қилиш амалиётида юрак уриш тезлиги мониторинги ва қон босимини ўлчашга асосланган оддий диагностик тестлардан, гормонал, иммунологик ва функционал ҳолатини аниқлаш эса қўллаб тиббий-биологик таҳлиллардан фойдаланилади. Марказий нерв ва нерв-мушак тизимларини ўрганиш учун электроэнцефалография (ЭЭГ), реоэнцефалография (РЭГ), электромиография (ЭМГ) ишлатилади, олинган натижалар статик барқарорлик, мушаклар тонуси, пай рефлекслари ва бошқаларни аниқлайди (Козлов В.И., 2006; Zunic, L., 2003). Ўқув-машгулотлар жараёнида нерв-мушак тизимини, кўп юклама (оғирлик) тушадиган мушаклар функционал ҳолатини аниқлаш учун электроневромиографиядан фойдаланилади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти талабларига жавоб берадиган энг кўп ишлатиладиган ва информацион юклама синови велоэргометрик усул билан ўтказилади (Кудря О. Н., 2008).

Спортнинг хар хил турлари билан шуғулланувчи мингдан ортик профессионал спортчилар, жумладан: баскетболчилар, футболчилар, эшакқчилар, сузувчилар, триатлончилар, дзюдочилар ва велосипедчиларда олиб борилган тадқиқотларга кўра (Афанасьева И.А., 2011; Баевский Р.М., 1997; Барабанов, А.Г. 2012), жисмоний фаолиятга мослашиши юракнинг парасимпатик иннервацияси фаолиятининг ортиши, бу эса ўз ўрнида юрак ритми вариабеллиги (ЮРВ), R-R интервали ортиши ва уни стандарт оғиши билан намоён бўлади.

Бундай ўзгаришлар, машгулот жараёлари фақат аэроб юкламалардан иборат бўлган спортчилардагина учраши аниқланган. Таъкидланишича, вагус фаолликни пастлиги организм жисмоний зўриқишга салбий мослашувини ёки ортикча машқ қилиш билан боғлиқлигини кўрсатади.

Бу диссертацияда олиб борилган таҳлиллар, спортчилар ўқув-машгулот йиғинлари ва мусобақаларга тайёргарлик кўриш даврида функционал ҳолатини баҳолашга имкон берувчи объектив усуллар, маҳаллий ва жаҳон амалиётида мавжуд эмаслигини кўрсатдики. Жисмоний фаолият толерантлигини аниқлаш учун умумқабул қилинган усуллардан (PWC<sub>170</sub>, тредмил тест ва бошқалар) ўқув-машгулот йиғинлари ва спорт базалари шароитида фойдаланиш қўлай эмас. Синов пайтида кўп хажмдаги жисмоний юкламалар ҳам улардан фойдаланиш бўйича муҳим чеклов бўлади, бу спортчиларнинг ўқув дастурига сезиларли таъсир қилади, мусобақаларда «юқори чўққи»ларга эришадиган спортчиларда адаптацион бузилишларга олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан, спортчиларни тиббий-биологик қўллаш соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар учун нафақат стационар ва амбулатор шароитида, балки ўқув-машгулот базалари ва мусобақаларда ҳам қўлланиладиган объектив, ихчам ва қўлай усулга эга бўлган функционал



ҳолатни баҳолаш усули мавжудлиги ўта муҳимдир.

Замонавий спортнинг жадаллашуви машғулотлар ҳажми ва мусобақа юктамаларини ўқув жараёнини ташкил этишда функционал ҳолатни оптималлаштириш учун янги самарали усулларни излашни талаб қилади, улар орасида тикловчи воситалар, спорт кўрсаткичларини яхшиловчи ва спортчининг заҳира имкониятларини кенгайтирувчи усуллар муҳим аҳамиятга эга (Артемова Е.К., 2000). Иш фаолиятини тиклашга қаратилган тадбирлар спортчининг турли тайёргарлик босқичларида ва мусобақаларга тайёрланиши билан оқилона бирлаштирилиши керак. Тикланиш воситаларидан фойдаланиш ўқув жараёнига ҳалақит бермаслиги, аксинча тикланиш жараёнининг тезлигини оширишга ёрдам бериши керак.

Спорт натижаларининг ўсиши асосан тананинг машғулот юкларига мослашиш қобилияти, тавсия этилган мушак юкининг ҳажми, мураккаблиги ва таркибий мазмуни ўртасидаги муносабатларни табиатидаги изини аниқлаш ва тананинг восита вазибаларига жавоб бериши билан белгиланади (Исаев А.П., 2003; Назаренко, Л.Д., 1999). Жисмоний машғулотлар таъсирида вужудга келадиган жараёнлар йўналганлиги, мослашиш тезлиги, хилма-хиллиги ва жавоб бериш шакллари билан анча фарқ қилади. Бу эса организмни ўқув-машғулотларнинг ҳажми ва интенсивлигига, тикланиш тезлигига ва эришилган самарага жавоб бериши асосида ҳаракатланиш фаолиятини назорат қилиш зарурлигини кўрсатади. Спортчини режалаштирилган натижага эришишининг асосий механизми сифатида, уни мушак фаолиятига мослашган қобилияти деб қаралади. Ўзбекистонда бундай тадқиқотлар илгари ўтказилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси қошидаги Республика Спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Спорт тиббиёти соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, спорт турининг хусусиятини, жисмоний юктамани, патологияларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашни усулларини, мусобақага тайёрлашда уларнинг тиббий назорати стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусидаги илмий йўналиш (2018-2020 йй.) доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** боксчиларни мусобақага тайёрлашда тиббий-биологик қувватлаш дастури ишлаб чиқиш ва уни ўқув-машғулот жараёнини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

#### **Тадқиқотнинг вазибалари:**

боксда ўқув-машғулот жараёнини бошқаришда тиббий-биологик назоратнинг тўғри ишлаб чиқилганлик даражасини ва уни қўллаш имкониятини аниқлаш;

боксчилар организмнинг оғир жисмоний машқларга мослашиш



ва диагностика маълумотлари орқали баҳолаш ва уни аҳамияти аниқлаш;  
муҳим кўрсаткичлар асосида боксчиларда жисмоний зўриқишни эрта аниқлаш учун тиббий-биологик қувватлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Бокс Федерацияси ва Кураш Ассоциацияси жамоаларида 1-2 йил ва 3-7 йил давомида спорт билан шуғулланиб келаётган жами 113 та, жумладан 61та боксчи ва 52та курашчи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида спорт такомиллашуви боксчидаги спортчилар тиббий-биологик ва функционал ҳолати, жисмоний тайёргарлигини баҳолаш воситалари, усуллари ва мезонлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда чуқурлаштирилган тиббий кўрикга (ЧТК) киритилган умумий клиник, инструментал (ЭКГ, ультратовуш), иммунологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

боксчиларнинг машғулот ва малака боксчилари асосида илк бор 198 клиник-лаборатор параметрлари ва 162 физиологик кийматлари олинган (аниқланган);

мусобақалар натижаларни башорат қилишда 4 та клиник-лаборатор мониторинг маълумотларга асосланган диагностика тахлилини баҳолашнинг янги ёндошуви ишлаб чиқилган;

спортчилар организмни жисмоний зўриқишга мослашишини эрта аниқлашнинг клиник-лаборатор мезонларидан: эндотоксемия, иммунологик ва гематологик параметрлар, гормонал фаоллик ўзгариши белгиланди;

боксчиларнинг комплекс назорати таркибий қисмлари сифатида энг информацион бўлган: кортизол, 3-метилгистидин, ферритин, эндогенетоксин медико-биологик кўрсаткичлари белгиланган;

боксчиларнинг машғулот жараёнини комплекс назорат қилиш мақсадида, ишлаб чиқилган медико-биологик қувватлаш дастури асосида жисмоний зўриқишни эрта аниқлаш такомиллаштирилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

спортчи-боксчиларнинг машғулот жараёнини тўғри дифференциялашда тиббий-биологик қувватлаш дастуридан комплекс фойдаланиш самарадорлиги исботланган;

спорт такомиллашув боксчида спортчи-боксчиларнинг саломатлигини комплекс назорат қилишнинг таркибий қисмлари сифатида тиббий-биологик қувватлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

спортчи-боксчиларда асосий информацион кўрсаткичлар аниқланган ва ундан жисмоний зўриқишни эрта ташхислаш ва коррекциялашда фойдаланиш тавсия этилган;

боксчиларда тиббий-биологик қувватлаш натижаларини баҳолаш учун спорт шифокорлари ва мураббийларига тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот натижаларининг ишловчилиги** ишда қўлланилган назарий

сонининг старлиги, тадқиқотнинг предмети, мақсади ва вазифаларига етарли бўлган ахборотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий усулларида фойдаланилгани, натижаларнинг таққосланганлиги ҳамда олинган хулосалар ҳақиқий машғулот жараёни шароитида тасдиқлангани, олинган натижалар ваколатли муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар боксчи-спортчиларни тайёргарлик жараёнига табақалаштирилган тиббий-биологик дастур ишлаб чиқишнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти боксчилардаги тиббий-биологик қувватлаш натижалари асосида тана тизимларининг ҳолатини баҳолаш учун спорт шифокорлари ва мураббийларига тавсиялар ишлаб чиқилгани ҳамда спорт шифокорлари ва мураббийларининг амалий фаолиятида, ўқув-машғулот жараёнини самарали ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Спортчи-боксчиларни тайёрлашга дифференциялашган ёндашувнинг тиббий-биологик таҳлили ва машғулот юкламаларини коррекциялаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Боксчиларни тиббий-биологик қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш» методик қўлланмаси тасдиқланган (Соглиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 8н-Р/182-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар спортчиларни тайёрлаш жараёнида зўриқишни тиббий-биологик жиҳатдан ривожланишини ўз вақтида аниқлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

боксчиларни тайёрлаш жараёнида биокимёвий деградация синдроми (гипоксик) ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ва машғулотларда стрессни олдини олиш бўйича олинган натижалар Ўзбекистон бокс Федерацияси ва кураш Ассоциацияси тизимида спортчиларни тайёрлашнинг ўқув-машғулот жараёнида фойдаланилган (Жисмоний маданият ва спорт вазирлигининг 2020 йил 14 июлдаги 02-07-08-1999-сон, Соглиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 05 октябрдаги 8н-д/139-сон маълумотномалари). Олинган натижаларни амалга ошириш спортчиларни индивидуал, тиббий, биологик ва физиологик ҳолатига тиклаш ва нуқсонли синдромни эрта аниқлаш ҳамда уларни физиологик ҳолатини тиклаш даврини қисқаришини ҳисобга олиб, узлуксиз машғулотларга қайтишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та макола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни 102 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**



**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Спортчиларнинг адаптив захиралари ва функционал ҳолатини баҳолашнинг замонавий ёндашувлари"** деб номланган биринчи бобида, маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилинган, муаммонинг ҳозирги ҳолатини ва спортчининг жисмоний зуриқишига мослашиш даражасининг кўрсаткичи сифатида нафас олиш тизими ва унинг функционал ҳолати ҳақида кенг қамровли илмий ва амалий маълумот беради.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида, Ўзбекистон бокс Федерацияси ва кураш Ассоциацияси жамоаларида машғулотлар олиб бораётган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 113 нафар спортчи, 1-2 йил ва 3-7 йил давомида спорт билан шуғулланувчи 61 нафар боксчи ва 52 нафар курашчининг тадқиқот материаллари ва услублари келтирилган

РСТИАМдаги спортчининг диспансер кузатуви тиббий-назорат картаси паспорт қисми (Ф.И.Ш., тугилган сана, спорт тури, мурожат санаси), спортчининг умумий тиббий тарихи, ҳаёт анамнези, спорт анамнези, оилавий анамнези, антропометрик, тиббий-биологик маълумотлар, тор мутахассисларни текширувлари (неврополог, жарроҳ-травматолог, стоматолог, ЛОР, офтальмолог, эндокринолог, гинеколог/уролог, функционал диагностика (УЗИ, ФВД, ЭКГ, РВС170, флюорография) екг70, терапевт маълумотлар ва психологик тест натижаларини ўз ичига олади. Тадқиқотга киритилган спортчиларнинг ўртача бўйи 172,6±4,6 см, вазни-68,9±5,8 кг бўлиб, қуйидаги спорт малакасига ега бўлган: 25-спорт усталигига номзодлар (эркак-22, аёл-3); 25-спорт усталари (эркак-19, аёл-6); 6-халқаро тоифадаги спорт усталари (эркак-3, аёл-3); 5-фахрий спорт усталаридан (эркак-4, аёл-1) иборат (расм 1).






Расм 1. Спортчиларнинг спорт малакалари бўйича тақсимланиши:  
 СУН-спорт усталигига номзод; СУ-спорт устаси; ХССУ-халқаро тоифадаги спорт устаси; ХКСУ-фахрий спорт устаси


Спортчилар спорт фаолияти даврига кўра икки гуруҳга бўлинганлар: I-гуруҳ 1-2 йил шуғулланадилар; II-3-7 йил (2-расм)





Расм 2. Спортчиларнинг гуруҳларидаги тақсимоти

Биоимпедансометрия ёрдамида спортчиларни антропометрик кўрсаткичлари тана вазни, тана вазни индекси (ТВИ) ва танадаги ёғ миқдори (%) аниқланди (расм 3).



Расм 3. Биоимпедансометрия асосида спортчиларда бошланғич антропометрик кўрсаткичлар

Тадқиқотда 113 та намунанинг натижалари кўриб чиқилган (198 та биокимёвий ва 162 та гематологик), шунингдек, кўп йиллик клиник-лаборатор таҳлиллар натижалари мониторинг қилинган. Тадқиқот ерталаб оч қоринга ўтказилди. Машғулот режимларининг интенсивлик зоналарини кузатиш бевосита машғулот вақтида лактат концентрациясини аниқлаш йўли билан амалга оширилди.

Спортчилардан тадқиқот учун олинган қон наъмуналарида қуйидаги биокимёвий параметрлар аниқланди: карбамид, креатин фосфокиназа (КФК), глюкоза, аспаратамино-трансфераза (АСТ), аланинаминотрансфераза (АЛТ), триглицеридлар, умумий холестерин, магний, зардобли темир, умумий оксил, креатинин, шунингдек тадқиқот вазифаларига киритилган турли тизимларнинг капилляр қон гематологик маркерларини биохимик ва иммунофермент параметрларини аниқлаш мақсадида «ROSH» фирмасининг «COBAS-311» ва «COBAS-411» аппаратлари ишлатилган. Қон йиғиш учун SARSTED (Германия) томонидан ишлаб чиқарилган микрофонлар ишлатилган. Кўрсаткичлар «SYSMEX ХТ 2000/» (Япония) автоматик гематологик анализатори ёрдамида ҳисобланди.

CD3, CD4 таркибини аниқлаш, иммунорегуляр индекс (ИРИ), шунингдек интерлейкин (IL-6)ни ҳисоблаш орқали организмнинг иммунологик тизими ҳолатининг асосий кўрсаткичлари ўрганилди. Боксчиларда жисмоний зўриқиш синдромини аниқлаш ва эрта аниқлаш мақсадида ферритин, гематакрит, гепсидин ва 3-метил гистидин таркибидаги ўзгаришлар ўрганилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларни математик ва статистик қайта ишлаш, биомедикал маълумотларга ишлов бериш учун умумий қабул

қилинган талабларга мувофиқ амалга оширилди. Автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш учун Statistica 7.0 дастурий маҳсулотидан фойдаланилди, ишонч даражаси  $p < 0.05$  статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Боксчиларда тиббий-биологик кўрсаткичларнинг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида, спортчи-боксчилар организмнинг физиологик параметрлари, кардио-респиратор тизимининг хусусиятларини кузатиш орқали жисмоний зўриқишга мослашиш жараёнлари ўрганилди. Тананинг жисмоний фаолиятга узок мослашуви машқ пайтида содир бўлади ва таянч-харакат тизими фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ барча функционал тизимларга таъсир этади. Жисмоний фаолият - бу асосий стрессор бўлиб, унга жавобан спортчилар организм шошилиш, кейинчалик эса узок мослашиш (муайян шароитларда) механизмларини ўз ичига олади.

Боксчиларда жисмоний фаолиятга жавобан организмдаги адаптив ўзгаришларнинг яхшиланиши юрак-қон томир, нафас олиш ва нерв-мускул системалари фаолиятининг физиологик кўрсаткичларининг ижобий динамикаси билан характерланади. Мукамал мослашиш ўзгаришларни иктисод қилишни ва бу тизимларнинг ишлашини яхшилашни ўз ичига олади. 1-жадвалда кўрсатилган маълумотларда кўра, юрак уриши частотаси (ЮУЧ), нафас частотаси (НЧ), артериал қон босими (АБ) ва ўпка хаётий сизими (ЎХС) натижалари боксчилар организмнинг юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларида ижобий ўзгаришлар ва кўрсаткичларнинг ошганлигини кўрсатади.

1-жадвал

**Боксчиларда физиологик кўрсаткичлар динамикасининг хусусиятлари**

Кўрсаткичлар	I-гурух боксчилари	II-гурух боксчилари
	n=23	n=38
ЮУЧ, мин/уд	87±0,64	61±0,47*
НЧ, мин/марта	23±0,72	10±0,58*
АБ, с у.мм	110±6,73	120±9,31*
ДБ, с у.мм	73±0,47	76±0,57*
ЎХС мл	1811±10,33	3311±21,63*
Илгор қўл мушак кўчи кг	23±0,32	38±0,43*

Эслатма: \* - фарқлар аҳамияти  $p < 0,05$

Жадвалда кўрсатилган маълумотларга кўра, ЮУЧ, НЧ, АБ ва ЎХС натижалари гуруҳларо таққослаганда 2-гурух боксчилари танасининг юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларида иш фаолиятини ижобий тежамкор ўзгаришларини кўрсатади. Боксчиларнинг машғулотлар билан шуғулланиши ва жисмоний кўрсаткичлари ўсиши билан зўриқишнинг пасайиши ва юрак-нафас тизими кўрсаткичларининг ошиши кузатилди,



Боксчиларни жисмоний фаолияти ва маҳорати ошиши билан биргаликда уларда организмдаги тариглилик сусаяди ва кардио-респиратор тизим фаолияти ошади, бу физиологик кзрсаткичлар натижасида кўрсатилган: II-гурух боксчиларида ЮУЧ 18%га камайган; НЧ 2 мартага пасайган; ЎХС 1,8 марта ошган, АБ умумбиологик нормада колган, фақатгина 11% фарк қилади.

Боксчиларда ЎХС спорт билан шуғулланмайдиган инсонларга нисбатан сезиларли даражада ортади, бу еса боксчиларда нафас олиш тизимидаги ижобий адаптив ўзгаришларни кўрсатади.

Жисмоний зўриқишга мослашиш биринчи навбатда тизимли структуравий созлашни шакллантириш билан характерланади. Тизимлараро функционал таъсирлар янада мувофиқлашади, тананинг самарадорлиги ошади, тананинг фаолияти оптималлашади, натижада спортчи машғулотларда қўйилган юкламаларни камрок энергия сарфлаган ҳолда сифатли бажаради.

Жадвалда кўрсатилган маълумотларга кўра, индекс ва кўрсаткичларни ҳисоблаш натижалари боксчилар организми кардио-респиратор тизимининг ижобий ўзгаришларини ва такомиллашувини кўрсатади. Боксчиларнинг кардио-респиратор кўрсаткичлари хусусияти уларнинг юрак-кон томир ва нафас тизимларидаги физиологик мослашув ўзгаришларини характерловчи ижобий йўналишидир. Бу қуйидаги кўрсаткичларнинг ишончли динамикасида ўз аксини топди: чидамлилиқ коэффиценти (норма 16 у.е.) I-гурух спортчиларида 62%га яхшиланди ва II-гурух боксчиларда нормал кўрсаткичга яқинлашди; қон айланиш самарадорлиги коэффиценти (норма 2600) ҳам I-гурух боксчиларида 10%га яхшиланган ва II-гурухида нормаллашди; Кердо индекси кўрсаткичлари I-гурух билан таққослаганда II-гурухда 48%га ошди; Штанге ва Генчи синамалари II-гурухда I-гурухникидан баланд бўлиб, ўртача 1,9 ва 2,9 мартага сезиларли даражада ошди ( $p < 0,05$ ) (расм 4).



Расм 4. Боксчиларнинг кардио-респиратор функционал синамалари кўрсаткичлари хусусиятлари



Боксчиларнинг юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг функционал ҳолати кўрсаткичлари таҳлили, уларни жисмоний юкламаларга мослашганлик ва II-гурух спортчиларида морфофункционал тикланишга ва тизимлараро мувофиқлашганлик хусусиятини кўрсатади.

Шунингдек, спортчи-боксчиларда жисмоний юкламалар вақтида эндотоксин агрессиясининг кўринишларини ҳам ўрганиб чиқдик. Эндотоксин агрессияси – бу патологик жараён бўлиб, қон айланиш тизимида липополисахаридларни (ЛПС) ошиганлиги ва антиэндотоксин иммунитетни (АЭИ) нисбий ёки мутлоқ етишмовчиликдан далолат беради, бу клиник ва лаборатор кўринишга эга бўлади ва қандайдир касаллик формасига айланади. «Эндотоксин» тушунчаси оксил-липосахарид комплексини бирлаштиради.


Қон айланиш тизимига ЛПС хаддан зиёт ортиқча ўтиши токсинли агрессияни ривожланишига олиб келади, бу эса хар хил синдромлар ва касалликларни пайдо бўлиш сабаби бўлади. Бу стресс ҳолатлар, ичак ва жигар етишмовчилиги ривожланиши асосий сабаблари ҳисобланади. Бинобарин, жисмоний юкламалар вақтидаги дисбактериоз ва стресс ҳолати эндоген токсинларини ичаклардан қон айланиш тизимига ўтишини оширади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, спортчи-боксчилар қонида эндоген агрессияси ва кортизол (стресс-реакция маркёри сифатида) кўрсаткичларини ўзаро боғликлиги жисмоний машғулотлардан олдин ва кейин ҳолатларда ўрганилган. I-гурух боксчиларида PWC<sub>170</sub>-тестини адекват қабул қилганда жисмоний машғулотлардан кейин кортизолни ўртача кўрсаткичлари 325,0±12,8дан 544,7±14,3гача нмоль/л ва ЭТ 1,21±0,17дан 1,45±0,15гача ЕУ/мл ошганлиги кузатилди. I-гурухдаги 20 спортчилардан 6 таси юкламани адекват ўтказди, 14 тасида дезадаптация реакцияси яққол сезилди. I-гурух боксчиларига ўртача қондаги кортизол кўрсаткичи 231,3±11,0 нмоль/л булиши II-гурухдаги боксчилар учун бошланғич текширувда паст эканлиги аниқланди. II-гурухдаги боксчиларда юклама синовлардан кейин кортизол кўрсаткичи I-гурухда синовларни адекват ўтказганларга қараганда анча паст эди. ЭТ қондаги ўртача кўрсаткичлари жисмоний машғулотлардан олдин ва кейин, I-гурухдагиларга қараганда II-гурухдаги боксчиларда анча паст бўлиб, 1,18±0,14 ЕУ/мл кўрсатди. Олинган натижалар, бокс билан давомий шуғулланганда ва симпато-адренал тизими фаоллашган ЭТ ичаклардан умумий гемоциркуляцияга ўтишида стресс реакцияси ва регуляция механизмидаги адаптация босқичлари муҳим рол ўйнашини кўрсатди.

I-гурух спортчилари қон айланиш тизимидаги ЭТ концентрацияси юқорилиги жисмоний юкламаларда пасаймаса, дезадаптацион реакцияларни ривожланишига олиб келади. Таққослаганда, юкламаларни адекват ўтказган II-гурух боксчиларида жисмоний юкламалардан олдин кортизол ўртача кўрсаткичи 231,3±11,0 нмоль/л бўлган, яъни физиологик нормадан 30%га паст, фақатгина 4тасида дезадаптация ривожланган, жисмоний юкламалардан кейинги кортизолнинг ўртача кўрсаткичи 379,2±13,2 нмоль/л, I-гурухдаги юкламаларни адекват ўтказган боксчилар кўрсаткичларидан 30% паст (p<0,05) (расм 5).



Расм 5а. Боксчиларда кортизол кўрсаткичларининг хусусиятлари



Расм 5б. Боксчиларда эндоген токсинлар кўрсаткичларининг хусусиятлари

Шундай қилиб, мусобақага тайёрланаётган спортчиларда  $PWC_{170}$  стандарт синамалари ўтказилганда кон плазмасида ЭТ натижалар ошиши ёки симпато-адренал тизим фаоллашиши фонида кортизол концентрацияси пасайиши хослиги аниқланди. Симпато-адренал тизим томонидан реакция кучланиш фонида вужудга келадиган ЛПС ўсиши, захирадаги

имкониятларни сусайиб кетишига, дастлаб мавжуд бўлган гиперактивация эса I-групп боксчиларида эндотоксемик фаолликни келтириб чиқаришига асосий сабабчиси бўлади.


Организм тизимларидаги ўзгаришларни комплекс ўрганиш илмий иш мақсади бўлгани сабабли, жисмоний зуриқишни эрта аниқлаш ва дифференциал ташхислаш учун боксчилар иммун тизими параметрларидаги ўзгаришлар ҳам ўрганилди. Спортчиларда асосий лимфоцитлар субпопуляция нисбий миқдори ўрганилди, бунда, курашчи ва боксчилар қонида лейкоцитлар ва эозинофиллар миқдори баландроқ эканлиги аниқланди - курашчиларда ( $5,43 \pm 0,22 \times 10^9/\text{л}$ ;  $3,40 \pm 0,32\%$ ); боксчиларда ( $4,72 \pm 0,15 \times 10^9/\text{л}$ ;  $3,31 \pm 0,24\%$ ) мувофиқ равишда. Нейтрофил гранулоцитлар миқдори ўлчанганда аксарият холга учради: абсолют етук шаклдаги нейтрофиллар миқдори пасайган, курашчиларда ( $3,58 \pm 0,17\%$ ), боксчиларда ( $2,89 \pm 0,12\%$ ); сегментоядер, таёқчаядер ва етилмаган шаклдагилари эса ошган: курашчиларда ҳам ( $59,80 \pm 0,79\%$ ;  $4,40 \pm 0,31\%$ ;  $0,28 \pm 0,04\%$ ), боксчиларда ҳам ( $55,38 \pm 1,30\%$ ;  $3,54 \pm 0,39\%$ ;  $0,39 \pm 0,12\%$ ).

Лимфоид хужайраларда биров бошқача манзара кузатилди: спортнинг анаэроб турлари билан шуғулланувчиларда етук шаклдаги лимфоцитлар ва моноцитлар нисбий ва абсолют миқдори баланд бўлиб, курашчиларда - ( $29,27 \pm 0,90\%$ ;  $189 \pm 0,07 \times 10^9/\text{л}$ ;  $10,94 \pm 0,35\%$ ;  $1,82 \pm 0,19 \times 10^9/\text{л}$ ), боксчиларда - ( $30,77 \pm 1,29\%$ ;  $1,54 \pm 0,08 \times 10^9/\text{л}$ ;  $12,50 \pm 0,73\%$ ;  $0,89 \pm 0,05 \times 10^9/\text{л}$ ) кўрсатди.

Диссертацияда, шунингдек, турли спорт билан шуғулланувчилар қонида лимфоцитларнинг асосий популяциялари ва субпопуляциялари таркибини нисбий миқдорий ўзгаришлари баҳоланган.


Курашчиларда боксчиларга нисбатан Т-лимфоцитлар (CD3) кам миқдорда эканлиги, боксчиларда эса фақат Т-хелперлар (CD4) камлиги аниқланди. Боксчиларда курашчиларга нисбатан Т-цитотоксин лимфоцитлари (CD8) камлиги, натурал киллерлар (CD16) миқдори эса курашчиларникидан кўра боксчиларда сезиларли баланд даражадалиги аниқланди. Курашчиларда боксчиларга нисбатан В-лимфоцитлар (CD20) миқдори юқори бўлиб, бу антителолар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши мумкин. Боксчиларда курашчилар билан олиштирганда CD4/CD8 (иммунорегулятор индекс) хужайралари Т-цитотоксин лимфоцитлар ҳисобига минимал эканлиги қайд қилинди. Татқиқодлар, Т-лимфоцит (CD3) курашчиларда боксчиларга нисбатан кам миқдорда эканлигини, бу анаэроб спорт турлари билан шуғулланганда иммунопооз интензивлигини пасайтиришини, иммунитет сифатига, Т ва В хужайралар механизмига таъсир этувчи омил бўлишини кўрсатади (расм 6).





Расм 6. Спортчиларда лимфоцитларнинг асосий субпопуляциялари нисбий миқдори таркиби (лимфоцитлар %)

Гемапоз ва иммун тизимларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотларда жисмоний зўриқиш вақтида спортчи-боксчиларда содир бўладиган ўзгаришлар ўрганилади. Қоннинг қизил қисмидаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар, кўпинча жисмоний фаолликнинг пасайиши оқибатида кузатилади, бу ўзгаришлар гемик гипоксия ривожланишига, организм хужайралари ва тўқималарида кислородга бўлган талабни ёки захирани етишмовчилигини келиб чиқаришга сабаб бўлади. Шу билан бирга, қоннинг қизил қисми кўрсаткичлари ошиб кетиши ҳам қон айланиш тизимида қўшимча қийинчиликларни яратади, булар ҳам спорт натижаларини пасайишига ва спортчилар саломатлигига зиё етказиши мумкин. Шу муносабат билан спортчиларда (курашчилар, боксчиларда) қоннинг қизил қисми ҳолати таҳлили ўтказилди (расм 7).



Расм 7. Спортчиларда қоннинг қизил қисми кўрсаткичлари



Расмдан кўриниб турибдики, боксчилар курашчиларга нисбатан эритроцитлар (Эр) миқдори пасайган, гематокрит (Ht) ва ретикулоцитлар (Rt) миқдори эса кўтарилган, эҳтимол эритропоэтин ишлаб чиқариш юқорилиги сабаб бўлиши мумкин. Бироқ боксчиларда ретикулоцитлар мутлок сони курашчиларга нисбатан анча юқори эди, курашчиларда эса гемоглобин миқдори энг юқори бўлди. Боксчиларда қоннинг морфологик хусусиятларига кўра ҳажми, ўртача диаметри ва қалинлиги каби кўрсаткичлар курашчиларникидан юқори бўлиб, эритроцитларни макроцитозга мойиллигини кўрсатади (расм 8).




Расм 8. Спортчиларида эритроцитларни морфометрик кўрсаткичлари

Кўриниб турибдики, бу спортчилар вазн камайтириш вақтида қондаги осматик босимни даврий беқарорлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Боксчилар қонда эритроцитлар ўзгаришлари аниқланди, курашчилар билан таққослаганда, бу машғулотлар жараёнининг йўналиши ва фаоллиги натижасида юзага келадиган метаболлик ўзгаришларга боғлиқ.

Курашчилар билан солиштирганда боксчилардаги эритроцитларни морфометрик ўзгаришлари организмдаги темир алмашинувини регуляция қилувчи метаболлик ҳаракатлар билан боғлиқ.

Маълумки, темир гомеостази тизим регулятори асоси бўлиб пептид гормони - гепсидин хизмат қилади, уни ишлаб чиқаришнинг бузилиши темир алмашинуви патологияси ривожланиши сабабларидан биридир. Гепсидин циркуляцияси фаолияти манбаси деб – жигар ҳисобланади. Гепсидин экспрессияси ва синтези жигарни физиологик вазифаси, организмдаги темир моддаси ва гематопозтик фаоллик ишлаб чиқилган гормонлар регуляциясини амалга оширади, бошқа томондан – интерлейкин (IL-6) гепсидин экспрессиясини жигарда кучайтиради (расм 9).



Расм 9. Ациклик жисмоний фаолиятни спортчилар қонидаги гепсидин, ферритин ва интерлейкин-6 таъсири

Гепсидинни организмда темир модда алмашинувидаги ахамиятини ҳисобга олган ҳолда, машғулотлар тугаганидан 24 соат кейин ИЛ-6 миқдори ўрганилди, бошланғич кўсаткичлардан ошганлиги аниқланди. Шунга мутаносиб, гепсидин кўсаткичлари ҳам 24 соатдан кейин бошланғич кўсаткичлардан анча баланд бўлди. Шу билан бирга, гепсидин концентрациясининг ортиши ферритин даражасининг ўсишига боғлиқ, яъни жисмоний фаолият, организмни темир моддаси билан тўйиниши спортчиларда гепсидин секрециясини оширади. Жисмоний машқлардан 1 кун кейин гепсидин даражаси боксчиларга нисбатан курашчиларда дастлабки кўсаткичлардан 2 марта кўп бўлиб, 37% ошган. Курашчилар қонидаги гепсидин концентрацияси юқори бўлиши жисмоний фаолияти давомида мушаклар иши интенсивлиги билан боғлиқ, бу нафақат жисмоний юкламалар вақтида гепсидин реакцияси универсаллиги, балки мушаклар иши интенсивлигини ва гепсидин ишлаб чиқариш ҳам ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Шундай қилиб, интенсив жисмоний фаолият организмда гепсидин ишлаб чиқаришга сезиларли таъсир кўрсатади. Бундай таъсирни эҳтимолий механизми қонда ИЛ-6 юқори бўлиши мумкин, у жигарда гепсидин экспрессиясини кучайтиради. Бу жисмоний юкламалар интенсивлиги ва иммун тизими модуляцияси ўзаро боғлиқлигини тасдиқлайди. ИЛ-экспрессияси ошиб бориши жисмоний юкламалар вақтида миоцитлар зараланиши билан боғлиқ. Бинобарин, интенсив жисмоний юкламалар иммун тизими модуляциясига олиб келади, у ўз ўрнида юклама ортиши билан миоцитларни зарарланишига ва ИЛ-6 экспрессиясини ошишига сабаб бўлади. Қон айланиш тизимида ИЛ-6 гепсидинни жигар орқали ишлаб чиқишини ва экспрессиясини фаоллаштиради, бу эса эритроцит ишлаб чиқарилишини сувайишига ва гемсиз темир сўрилишини тўхташига олиб келади.

Жисмоний зўриқишни аниқлаш учун 3-метилгистидин биомаркери таълаб олинди ва ўрганилди, чунки у актин ва миозин мушак оқсиллари парчаланиши натижасида ажралиб чиқади ва организмдан сийдик орқали чикиб кетади. 3-метилгистидин экскрецияси ва ўқув-машғулот (тренировка) жараёнлари ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлиб, адаптацион механизм ривожланиш даврида ушбу биомаркер специфик бўлади. Шунинг учун уни юқори юкламаларда ва зўриқишни ташхислашда маркер сифатида тавсия қилиш, натижалардан эса асосида ўқув-машғулотлардаги юкламаларни коррекциясида фойдаланиш мумкин (жад.2).

Жадвал 2.

Юкламалардан олдин ва кейинги 3-метилгистидин экспрессияси (мкмол/л)

группалар	юкламадан олдин	юкламадан кейин		
		12 соат	36 соат	48 соат
Боксчи (n=61)	4,12±0,27	14,97 ±0,94*	6,23±0,33*	5,2±0,36*
Курашчи (n=52)	5,43±0,36	20,68 ±1,23*	10,06±0,54*	6,8±0,57*

Эслатма: \* - фарқлар аҳамияти  $p < 0,05$

Диссертациянинг "ЧТК босқичларида спортчилар боксчилар жисмоний зўриқиш синдромини эрта аниқлаш ва олдини олиш алгоритми" деб номланган тўртинчи бобида, спортда юқори ютуқларга эришиш, спортчилар организмни барча тизимлари тўғри фаолият юритиши ва соғлигини сақлаш мақсадида, боксчиларни асосий биокимёвий, гематологик, иммунологик ва эндокринологик параметрлардаги ўзгаришлар натижасида уларда учрайдиган ички гомеостаз ўзгаришлар таъсирини бартараф қилиш учун алгоритм ишлаб чиқилди (илова 1).

## ХУЛОСА

«Боксчи-спортчиларни тайёргарлик жараёнига табақалаштирилган тиббий-биологик дастур ишлаб чиқиш» мавзусига бағишланган фалсафа доктори (PhD) диссертацияси иши натижалари асосида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Боксчиларнинг машғулотларга адаптациясини динамикада назорат қилиш учун махсус жисмоний фаолиятни акс эттирувчи зўриқтирувчи тестлардан фойдаланиш керак.
2. Боксчилар ўқув-машғулот жараёнларига дифференциал ёндошган ҳолда тиббий-биологик тадқиқотлар натижасида қуйидаги кўрсаткичлар энг информацион хисобланади: феррокинетиқлар, гормонлар, цитокинлар ва 3-метилгистидин.
3. Тиббий-биологик тадқиқотлар натижаси мониторинг қилинганда, боксчиларда дезадаптацион ҳолатларини ва зўриқиш даражасини эрта



ташхислашда: 3-метилгистидин, феррокинетик ўзгаришлар, гормонал фаоллик ва IL-6 кўрсаткичлари аҳамиятли эканлиги аниқланди.

4. Тестостерон пасайиши натижасида кортизол даражаси  $325,0 \pm 12,8$  нмоль/л дан  $544,7 \pm 14,3$  нмоль/л гача ошиши ва катаболик жараёнларни ўсиши кузатилди, бу ўз ўрнида машғулот юктамалари кўплиги туғрисида маълумот беради ва уларни коррекция қилишни талаб этади.
5. Креатинфосфокиназани юрак қон-томир тизимида миқдорини ошиши юрак зўриқишидан далolat беради, холбуки, 3-метилгистидинни  $4,12 \pm 0,27$  мМоль/л дан  $14,97 \pm 0,94$  мМоль/л гача кўпайиши мушак хужайраларида кардиомиоцитлар парчаланаётган жараёнини кўрсатади.
6. Организмнинг турли тизимларида аниқланган ўзгаришлар асосида боксчиларни функционал ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, уларни мусобақаларга тайёрлашда индивидуал машғулотларни режалаштиришни назорат қилишни тиббий-биологик қувватлаш программаси ва алгоритми ишлаб чиқилди. Жорий ва оператив назорат машғулот жараёнларидаги зўриқишларни ўз вақтида коррекция қилиш ва боксчилар организмида дезадаптацион ўзгаришларни олдини олиш, яъни зўриқишни эрта ташхислаш учун зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РъD.10/30.12.2019.ТІВ.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**  

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР  
СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**МУРАТХОДЖАЕВА ЛОБАРХОН ЭЛДОР ҚИЗИ**

**РАЗРАБОТКА МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИХ ПРОГРАММ ДЛЯ  
ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО ПОДХОДА К ПОДГОТОВКЕ  
СПОРТСМЕНОВ-БОКСЁРОВ**

**14.00.38 – Спортивная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РъD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2020**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при кабинете министров республики Узбекистан за PhD.10/30.12.2019. ТПВ.69.01

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и информационно-образовательного портала "ZiyoNet" по адресу: www.ziynet.uz

**Научный руководитель:**

**Садиков Абдушуккур Абдужамилевич**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Камилова Роза Толаповна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Юлдашева Гулчехра Рустамовна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Самаркандский Государственный  
медицинский институт**

Защита состоится «18» ноября 2020г. в 12:00 часов на заседании Научного совета PhD.10/30.12.2019. ТПВ.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (Адрес: 100027, город Ташкент, Шайхонтохурский район, улица Олмазор дом 6. тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 307/20) адрес: 100109, город Ташкент, Олмазарский район, улица Фаробий дом 2, Тел./факс: (+99871)150-78-25); e-mail: tta2005@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « 18 » 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 3 от 7 ноября 2020 года).



**Т.А.Абдуллаев**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**Н.С.Ибрагимова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (Phd) по медицинским наукам

**А.А.Хаджиметов**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Активные и последовательные преобразования в сфере физической культуры и спорта последних лет, масштабная модернизация системы подготовки спортивного резерва потребовали создания системы медико-биологического обеспечения (МБО) подготовки спортивного резерва в Республике Узбекистан. Для достижения и поддержания высоких спортивных результатов необходима разработка эффективных профилактических мероприятий, позволяющих оказывать направленное воздействие на основные физические качества и функциональные системы человека. Для этого необходима разработка эффективных профилактических мероприятий, позволяющих оказывать направленное воздействие на основные физические качества и функциональные системы человека. Основная задача в развитии физической культуры и спорта - «совершенствование подготовки спортсменов высокого класса и спортивного резерва для повышения конкурентоспособности узбекского спорта на международной спортивной арене». Учитывая, что физиологические, биохимические и психологические компоненты подготовки, рассматриваемые без должного учета их взаимосвязей, не позволяют интегрировать научные знания о системе тренировки и не способствуют развитию общей теории спорта в глубину, становится очевидной необходимость комплексного использования всех медико-биологических исследований в оценке физиологического состояния спортсмена различного вида спорта.

Уровень специальной подготовленности в различных видах спорта имеет важное значение. Особенно это касается разновидностей спортивных единоборств и, в частности, бокса. Эффективная соревновательная деятельность зачастую полностью обеспечивается уровнем развития физических качеств, которые в свою очередь являются основополагающими при формировании высокого уровня технико-тактической подготовленности<sup>1</sup>. В теории и практике бокса известны множество исследований компонентов специальной подготовленности в направлении изучения быстроты, выносливости, скоростно-силовых способностей как самостоятельных. Кроме того, спортивно-техническое мастерство боксеров всегда рассматривается специалистами как многофакторное и наиболее трудно диагностируемое явление.

Немаловажную роль в использовании биохимических методов оценки адаптации является правильная интерпретация. Только в этом случае оправдано их применение для коррекции тренировочного процесса и медико-биологического обеспечения подготовки спортсменов. Клинико-лабораторные обследования по содержанию и объему должны максимально соответствовать целям и задачам тренировочного процесса. Для оценки предельности напряженности тренировочных нагрузок необходимы адекватные и

<sup>1</sup>Павлов, С.Е. Функциональный контроль в современном спорте и спортивной медицине / С.Е. Павлов, Т.Н. Павлова // Олимпийский бюллетень № 13. - М.: Сойпроект, 2012. - С. 265-271.

информативные методы клинико-лабораторного контроля. На основании вышеизложенного предполагалось, что выявление наиболее значимых показателей медико-биологического исследования, и разработка алгоритма их комплексного применения позволит осуществлять дифференцированный подход к построению спортивной тренировки, что обеспечит достижение высоких спортивных результатов и сохранение здоровья боксеров.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», ПП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», ПП 2821 от 9 марта 2017 года «О подготовке спортсменов Узбекистана к XXXII летним Олимпийским и XVI Паралимпийским играм 2020 года в городе Токио (Япония)», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Из методов комплексного контроля в боксе наиболее полно разработан педагогический контроль, ему посвящено большинство исследований. Особенности психологического и медико-биологического контроля изучены в этом виде спорта недостаточно полно. Работ, в которых в полном объеме использовались все методы комплексного контроля у спортсменов-боксеров в доступной литературе недостаточно. Клинико-лабораторные обследования по содержанию и объему должны максимально соответствовать целям и задачам тренировочного процесса. Для определения предельности напряженности тренировочных нагрузок в экстремальных условиях необходимы адекватные и информативные методы клинико-лабораторного контроля. При оценке адаптации к тренировочным нагрузкам необходимо принимать во внимание генетические особенности организма спортсмена.

Высокий уровень качества выполняемых исследований является неизменным условием эффективности клинико-лабораторного контроля. Основные положения стандарта качества обязательны к применению при выполнении клинико-лабораторных исследований в спорте высших достижений<sup>2</sup>.

Многие исследователи считают, что функциональное состояние организма - это совокупная характеристика состояния здоровья, отражающая адаптивные возможности организма и оценивается по полученным изменениям функций и

